

Журнал 1996 йилдан бошлаб нашр этилади

O'ZBEKISTON FARMATSEVTIK XABARNOMASI

Илмий-амалий фармацевтика журнали

4/2022

октябрь-декабрь 2022

ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИЙ ВЕСТНИК УЗБЕКИСТАНА

Научно-практический фармацевтический журнал

Фармакология

Расмий ҳужжатлар

Фармация ва тиббиёт янгиликлари

Фармакогнозия ва фармацевтик кимё

Фармацевтика ишини ташкил этиш
ва дори воситалари технологияси

Лицензиялаш ва назорат қилиш
бошқармаси маълумотномаси

Дори воситалари, тиббий буюмлар
ва тиббий техникани рўйхатдан
ўтказилганлик тўғрисидаги янгиликлар

ISSN 2181-0311

www.uzpharm-control.uz

**ФАРМАЦЕВТИКА ИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА
ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**ОРГАНИЗАЦИЯ ФАРМАЦЕВТИЧЕСКОГО ДЕЛА И
ТЕХНОЛОГИЯ ЛЕКАРСТВЕННЫХ СРЕДСТВ**

УДК 615.244: 615.322

Д.С. Мирзакамалова¹, Е.В. Флисюк², Ё.С. Кариева¹

**МУКОЛИТИК ТАЪСИРГА ЭГА ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИНГ МАҲАЛЛИЙ БОЗОРИНИ
ТАҲЛИЛИ**

**АНАЛИЗ ОТЕЧЕСТВЕННОГО РЫНКА ЛЕКАРСТВЕННЫХ СРЕДСТВ
МУКОЛИТИЧЕСКОГО ДЕЙСТВИЯ**

1. Тошкент фармацевтика институти

2. Санкт-Петербург давлат кимё-фармацевтика университети

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида қайд этилган дори воситалари ва тиббий буюмлар Давлат Реестрида (*кейинчалик матнда* – Давлат Реестри) 2018-2022 йилларда қайд этилган муколитик дори воситаларнинг маркетинг таҳлили натижалари келтирилган. Бунда таҳлил қуйидаги кўрсаткичлар бўйича амалга оширилган: муколитик дори воситаларнинг умумий қайд этилган дори воситалар ичидаги улуши, ишлаб чиқарувчи корхоналар жойлашган давлатлари бўйича улуши, савдога чиқарилган дори шакллари ҳамда асосий таъсир этувчи модданинг табиати, олинган натижалар кўрсатиши бўйича, 2018 йилдан 2022 йилгача Давлат Реестрида рўйхатга олинган муколитик дори воситалар улуши 26,7% га ошган, яъни ушбу гуруҳ дори воситаларига талаб ошиб бормоқда. Бунда маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган дори воситалар атиги 43,3% ни ташкил қилган; хорижий давлатлардан эса асосий улуш Германия, Ҳиндистон ва Украинага тўғри келган. Маҳаллий корхоналар томонидан рўйхатдан ўтган препаратлар ичида 2018-2019 йилларда биринчи ўринни доривор ўсимлик хомашёси эгаллаган бўлса, кейинги 3 йилда – қайд этилган препаратларнинг 36,8%-43,5% ичишга мўлжалланган суюқ дори шаклида ишлаб чиқарилган. Шу билан бирга, Ўзбекистон фармацевтика корхоналари томонидан қайд этилган дори воситаларнинг ўртача 56,9% фаол модда сифатида ўсимликлардан олинган экстрактларни сақлаган ҳамда хомашё кўринишидаги дори воситалар ташкил қилган. Яъни, юқоридагиларни инобатга олган ҳолда муколитик таъсирга эга ўсимлик хомашёларидан сифати ва турғунлигини таъминлаб берадиган монофаол ва комбинирланган дори шаклидаги препаратларни ишлаб чиқариш мақсадга мувофиқлиги белгиланди.

Таянч иборалар: маркетинг тадқиқотлар, муколитик дори воситалари, Давлат Реестри, дори шакли, ишлаб чиқарувчи давлат, фаол модда табиати.

Кириш. Маълумки, илмий изланишларни олиб бориш мақсадида биринчи навбатда тадқиқотнинг долзарблиги белгиланади. Янги дори воситаларини ишлаб чиқиш учун эса долзарблик ушбу фармакотерапевтик гуруҳга оид дори препаратларининг зарурлиги, фармацевтика бозорида ўз ўрнига эга бўла олиши билан белгиланади. Дори воситаларининг фармацевтика бозорини маркетинг тадқиқотлари маълумотларини тўплаш, қайта ишлаш ва талқин қилишга асосланган таҳлил кўринишида олиб борилади, бу эса ўз навбатида талабни белгилайди, бозор ривожланишини башорат қилиш ҳамда товар бирлигининг хусусиятларини аниқлаш имконини беради [1, 2, 3].

Маркетинг тадқиқотлар бир нечта йўналишда олиб борилиши мумкин. Булар дори воситаларнинг ассортимент таҳлили, фаол модда табиати, дори шакли, ишлаб чиқарувчи давлат ёки унинг ҳудудий мансублиги, препаратнинг таркиби ва б. кўрсаткичларга нисбатан таҳлиллар олиб борилади [4-6].

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, муколитик таъсирга эга дори воситаларини маҳаллий доривор ўсимликлар хомашёси асосида ишлаб чиқиш долзарблигини исботлаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат Реестрида 2018-2022 йилларда қайд этилган ушбу фармакотерапевтик гуруҳга оид препаратларнинг таҳлили олиб борилди.

Материаллар ва усуллар. Ўзбекистон Республикасининг фармацевтика бозорида қайд этилган муколитик дори воситаларининг таҳлили 2018-2022 йилларда қайд этилган дори воситалар ва тиббий буюмларнинг Давлат Реестри асосида олиб борилди [7-11]. Ушбу тадқиқотларда маркетинг таҳлил куйидаги кўрсаткичлар бўйича амалга оширилди: муколитик дори воситаларининг умумий қайд этилган воситалардаги улуши, ишлаб чиқарувчи корхоналар жойлашган давлатлари бўйича улуши, савдога чиқарилган дори шакллари ҳамда асосий таъсир этувчи модданинг табиати.

Натижалар ва муҳокама. Изланишларнинг бошланғич босқичида Ўзбекистон Республикасининг Давлат Реестрида қайд этилган муколитик дори воситаларининг рўйхатга олинган дори воситалар сонига нисбатан улуши ҳисобланди ва олинган натижалар 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвалда келтирилган натижалар бўйича, Давлат Реестрида қайд этилган муколитик дори воситаларининг улуши 2,45%-2,87% оралигида

бўлиб, 5 йил давомида сон кўрсаткичи бўйича 21 тага ошган, аммо Давлат Реестридаги умумий препаратлар сони кўпайгани сабабли, уларнинг фойздаги улуши бир оз камайган.

1-жадвал

Давлат Реестрида рўйхатга олинган дори воситаларининг умумий сонига нисбатан муколитик дори воситаларининг улуши

Давлат Реестри сони ва йили	Қайд этилган дори воситаларининг умумий сони	Улардан муколитик дори воситалари:	
		сони	%
ДР №22 (2018 й)	8576	246	2,86
ДР №23 (2019 й)	8883	255	2,87
ДР №24 (2020 й)	9457	253	2,67
ДР №25 (2021 й)	10257	253	2,46
ДР №26 (2022 й)	10865	267	2,45

Кейинги босқичда эса қайд этилган барча муколитик дори воситаларни ишлаб чиқарувчининг ҳудудий мансублигига қараб улуши аниқланди (2-жадвал).

2-жадвал


Ишлаб чиқарувчининг ҳудудий мансублигига қараб Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган муколитик дори воситаларининг улуши

Давлат Реестри сони ва йили	Жами муколитик дори воситалари	Жумладан:					
		маҳаллий дори воситалар		МДХ давлатларининг дори воситалари		хорижий давлатларининг дори воситалари	
		сони	%	сони	%	сони	%
№22 (2018 й)	246	102	41,5%	48	19,5%	96	39,0%
№23 (2019 й)	255	107	42,0%	48	18,8%	100	39,2%
№24 (2020 й)	253	114	45,0%	49	19,4%	90	35,6%
№25 (2021 й)	253	114	45,0%	46	18,2%	93	36,8%
№26 (2022 й)	267	115	43,1%	45	16,9%	107	40,0%

2-жадвалда келтирилган натижалардан кўриниб турибдики, 2018-2022 йилларда муколитик дори воситаларининг умумий сони 246 дан 267 гача кўпайган ва уларнинг 41,5-45,0% (102 дан 115 та позициягача) маҳаллий корхоналар томонидан қайд этилган. Кейинги ўринда хорижий давлатларда ишлаб чиқарилган ушбу фармакотерапевтик гуруҳ препаратлари эгаллаган: 2018 й. – 39% (96 та), 2019 й. – 39,2% (100 та), 2020 й. – 35,6% (90 та), 2021 й. – 36,8% (93 та), 2022 й. – 40% (107 та). МДХ давлатлари корхоналари томонидан қайд этилган муколитик дори воситалари эса 5 йил давомида 20% дан ошмади: 2018 й. – 19,5% (48 та), 2019 й. – 18,8% (48 та), 2020 й. – 19,4% (49 та), 2021 й. – 18,2% (46 та), 2022 й. – 16,9% (45 та).

Шуни айтиш лозимки, 2020-2021 йилларда ушбу таъсирга эга препаратларнинг қайд этилиши 2019 йилга нисбатан 0,8% камайган. Бунинг сабаби COVID-19 эпидемиясининг авж олиши деб тахмин қилиш мумкин. Шу даврда асосий эътибор вирусларга қарши ва антикоагулянт препаратларга, шунингдек, турли хил макро- ва микроэлементларни ўз ичига олган дори воситаларга қаратилган.

Изланишларнинг навбатдаги босқичида республикада қайд этилган муколитик дори воситалар ишлаб чиқарилаётган дори шакли бўйича таҳлил қилинди. Натижалар 1-расмда келтирилган.



1-расм. Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган муколитик дори воситаларини ишлаб чиқариладиган дори шакли бўйича таҳлили

1-расмда келтирилган натижаларга асосан, Давлат Реестрида қайд этилган муколитик дори воситалар куйидаги шаклларда ишлаб чиқарилган: таблетка, капсула, пастилка, эритма тайёрлаш учун порошоклар (гранулалар), инъекциялар ҳамда ичишга мўлжалланган суюқ дори турлари, доривор ўсимлик хомашёси. Булардан энг кенг тарқалган дори шакли – бу ичиш учун мўлжалланган суюқ дори турлари (эритмалар, эликсирлар, сироплар) бўлиб, улар 5 йил мобайнида 41,2 %–48,7 % ташкил қилган. Кейинги ўринни таблеткалар эгаллаган бўлиб 2018 й. – 27,2 %, 2019 й. – 26,7 %, 2020 й. – 24,9 %, 2021 й. – 26,9 %, 2022 й. – 25,1 % ташкил қилган.


Доривор ўсимлик хомашёсининг улуши 2018-2020 йй. 15,4 %-16,7 % оралиғида қайд қилинган. Кейинги икки йилда эса кескин камайган: 2021 й. – 9,1 %, 2022 й. – 4,9 % ташкил қилган. Шунини айтиш лозимки, ушбу дори шакли

кўринишидаги препаратлар фақат Ўзбекистон Республикаси ишлаб чиқарувчилари томонидан қайд этилган.

Давлат Реестрида қайд этилган муколитик таъсирга эга инъекция учун эритмалар таҳлил қилинган вақт давомида деярли 2 баробар ошган ва 6,5% дан 10,9% гача кўпайган.

2018-2022 йй. даврида капсула дори шаклида рўйхатдан ўтган мазкур фармакотерапевтик гуруҳга оид препаратлар ҳам инъекция каби 2 баробар, яъни 3,2% дан 6,4% гача ошган. Энг кам улушга эга бўлган дори шакли – пастилкалар бўлиб, улар 0,8%-1,2% ташкил қилган, 2021 йилда эса умуман қайд этилмаган.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқилган дори шакллар ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиш учун, фақат Ўзбекистон Республикаси фармацевтика корхоналарининг маҳсулоти таҳлил қилинди (2-расм).



2-расм. Ўзбекистон Республикаси фармацевтика корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган муколитик дори воситаларнинг дори шакли бўйича таҳлили

Демак, келтирилган маълумотларга асосан 2018-2020 йй. республикамиз ҳудудида қайд этилган ушбу фармакотерапевтик гуруҳ препаратларининг энг катта улуши доривор ўсимлик хомашёсига тўғри келган: 2018 й. - 40,2%, 2019 й. - 38,3%, 2020 й. - 34,2%. 2021 ва 2022 йй ушбу кўрсаткич кескин камайган (мас равишда 20,2% ва 11,3%). Бунинг сабаби икки хил бўлиши мумкин: биринчиси – Covid-2019 пандемияси туфайли доривор ўсимликларни йиғиш камайганлиги ёки ушбу хомашёлар асосида тайёр дори шакллари ишлаб чиқиш йўлга қўйилганлиги. Иккинчи сабабнинг исботи сифатида ичиш учун суюқ дори турлари улуши кўпайган, яъни таҳлил қилинган 5 йил ичида 31,4% дан 43,5% гача ортган (32 позициядан 50 тагача). Ва сўнгги 2022 йилда энг кўп рўйхатга олинган дори шаклига киради.

Қаттиқ дори турларига кирадиган таблеткалар учинчи ўринни эгаллаган: 2018 й. - 17,6% (18 та позиция), 2019 й. - 16,8% (18 та позиция), 2020 й. - 15,8%. 2021 й. - 21,9% (25 та позиция), 2022 й. - 21,7% (25 та позиция). Кўриниб турибдики, 2020 й. ушбу дори шаклида қайд этилган препаратлар 3 та позицияга камайган, кейинги икки йилда кескин 10 та позицияга ошган.

Инъекция дори шаклида қайд этилган муколитик дори воситалар сони ҳам ошганини кўриш мумкин: таҳлил қилинган 5 йил ичида 5,9%дан (6 та позиция) 16,5% гача (19 та позиция), яъни 2,8 баробарга кўпайган.

Юқоридаги натижаларни умумлаштирган ҳолда таъкидлаш мумкин, 2018-2020 йилларда қайд этилган маҳаллий дори воситаларнинг деярли ярми ўсимлик хомашёси кўринишида бўлган, кейинчалик эса қўллаш учун қулай бўлган ичиш учун суюқ дори шакллари кўринишида улуши кўпайган.

Маркетинг таҳлилининг яна бир аниқланган мезони бу - қайд этилган муколитик дори воситаларини ишлаб чиқарган давлати бўлди. Бунда юқорида айтилганидек, Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган дори воситаларнинг асосий қисми ўсимлик хомашёси кўринишида бўлганлиги сабабли, ушбу таҳлил фақат МДХ ва хорижий давлатлар орасида олиб борилди.

Таҳлил қилинган йилларда ушбу фармакотерапевтик гуруҳ дори воситалари 24-29 та давлатлар томонидан қайд қилинган. Шу сабабли 4 ва ундан кўп дори воситаларни рўйхатдан ўтказган давлатлар 3-расмда ўз номлари билан келтирилган бўлса, 3 та ва ундан кам позицияларни қайд қилган давлатларни “бошқалар” гуруҳига киритиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Олинган натижалардан кўриниб турибдики, Давлат Реестрида 2018-2020 йилларда қайд этилган муколитик дори воситалар бўйича биринчи ўринда Германия бўлган ва жами рўйхатга олинган препаратлар ичида 16,7%-18,2% (24-27 та позиция) ташкил қилган. Шу йиллар давомида иккинчи ўринни Ҳиндистон давлати эгаллаган. Ушбу давлат фармацевтика корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган муколитик дори воситалар 13,7%-15,3% (19-22 та позиция) улушга эга бўлган. Аммо кейинги икки йилда Ҳиндистон фармацевтик корхоналари томонидан қайд этилган препаратлар биринчи ўринга чиққан: 2021 й. - 18% (25 та позиция), 2022 й. - 20,4% (31 та позиция), Германия дори воситалари эса иккинчи ўринга тушган ва қуйидаги кўрсаткичларга эга бўлган: 2021 й. - 16,5% (23 та позиция), 2022 й. - 15,8% (24 та позиция).

Таҳлил қилинган 5 йил ичида Украинада ишлаб чиқарилган дори воситалар учинчи


ўринини эгаллаган: 2018 й. – 15,3% (22 та позиция), 2019 й. – 14,9% (22 та позиция), 2020 й. – 17,3% (24 та позиция), 2021 й. – 16,5% (23 та позиция), 2022 й. – 13,8% (21 та позиция). Россия Федерацияси фармацевтик корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган муколитик дори воситалари шу давр ичида Ўзбекистонда рўйхатга олинган препаратлар ичида 7,9%-10,4% (12-15 та позиция) ташкил қилган ва 4-ўринини эгаллаган.

Мухим экспортёрлардан Туркия ва Покистонни айтиш лозим. 2018-2022 йилларда ушбу давлатлар томонидан қайд этилган муколитик дори воситалар умумий ҳажм ичида 5- ва 6- ўринларни эгаллади. Жумладан, Туркияда ишлаб чиқарилган препаратлар 2018 й. – 6,3% (9 та позиция), 2019 й. – 7,4% (11 та позиция), 2020 й. – 7,9% (11 та позиция), 2021 й. – 7,2% (10 та позиция), 2022 й. – 6,6% (10 та

позиция) ташкил қилди. Покистон маҳсулотининг улуши эса – 5,8% - 7,2% (8-10 та позиция).

Шунингдек, 1-3 гача препаратларни рўйхатдан ўтказган давлатлар: Болгария, Греция, Миср, Испания, Италия, Хитой, Корея, Латвия, Бирлашган Араб Амирликлари, Польша, Португалия, Руминия, Словения Республикаси, Франция, Чехия Республикаси, Швейцария ва Эстония.

Изланишларнинг сўнгги босқичида барча қайд этилган муколитик дори воситалари асосий таъсир этувчи модда табиати бўйича таснифланди ва таҳлил қилинди. Бунда улар 3 та гуруҳга, яъни доривор ўсимликлар асосида олинган, синтетик дори моддаси асосида олинган ҳамда комбинирланган препаратларга ажратилди. Олинган натижалар 3-жадвалда келтирилган.



3-расм. Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган муколитик дори воситаларини ишлаб чиқарувчи мамлакатлар бўйича таҳлили

3-жадвал

Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган муколитик дори воситаларнинг таъсир этувчи модданинг табиати бўйича таҳлили

Давлат Реестри сони ва йили	Қайд этилган дори воситалар, (%) жумладан								
	маҳаллий ДВ			МДХ давлатлари ДВ			хорижий ДВ		
	ўсимл.	синтет.	комбин.	ўсимл.	синтет.	комбин.	ўсимл.	синтет.	комбин.
№22 (2018 й)	65,7%	34,3%	-	31,2%	64,6%	4,2%	32,3%	61,5%	6,2%
№23 (2019 й)	64,5%	35,5%	-	29,2%	66,7%	4,1%	32,0%	64,0%	4,0%
№24 (2020 й)	63,2%	36,8%	-	30,6%	65,3%	4,1%	36,7%	60,0%	3,3%
№25 (2021 й)	50,0%	50,0%	-	30,4%	63,0%	6,6%	33,3%	63,4%	3,3%
№26 (2022 й)	40,9%	59,1%	-	31,1%	62,2%	6,7%	31,8%	64,5%	3,7%

3-жадвалда акс эттирилган натижаларга асосан, МДХ давлатлари фармацевтика корхоналари томонидан ишлаб чиқилган ва

Ўзбекистон Республикаси Давлат Реестрида қайд этилган дори воситаларининг 62,2% дан 66,7% гача препаратларнинг асосий таъсир

этувчи моддаси синтетик йул билан олинган субстанциялардир. Доривор ўсимликлар асосидаги воситалар эса 2018 йилда 31,2% ташкил қилган бўлса, 2019 йилда 2%га камайиб, кейинги уч йил ичида яна 31,1% гача кўтарилган.

Хорижий давлатлардан келтирилган муколитик дори воситаларда ҳам 60% дан кўпини (60,0% - 64,5%) синтетик фаол модда сақлаган дори воситаларга тўғри келди. Таҳлил олиб борилган 5 йил ичида доривор ўсимликлардан олинган ажратмалар асосидаги препаратлар эса -31,8%-36,7% ни ташкил қилди.

Маҳаллий корхоналар томонидан рўйхатдан ўтказилган позициялар ичида эса буни акси аниқланди, яъни 2018-2020 йй. ўсимликлардан олинган дори воситалар (асосан хомашё кўринишида) 63,2% - 65,7% ташкил қилган бўлса, 2021-2022 йилларда бу кўрсаткич кескин пасайиб, мос равишда 50% ва 40,9% тўғри келди. Синтетик дори воситалар эса қуйидаги кўрсаткичларга эга бўлган – 2018 й. - 34,3%, 2019 й. - 35,5%, 2020 й. - 36,8%, 2021 й. - 50,0%, 2022 й. - 59,1%.

Бугунги кунда комбинирланган дори воситаларга алоҳида эътибор қаратилишига қарамай [12-14], ушбу гуруҳ муколитик дори воситалар МДХ ва хорижий давлатлар корхоналари томонидан 3,3% дан 6,7% гача қайд этилган. Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан эса бундай дори воситалар умуман ишлаб чиқилмаслиги аниқланди.

Хулоса. Ўзбекистон Республикаси Давлат Реестрида қайд этилган муколитик дори

воситаларнинг таҳлили бўйича қуйидагилар аниқланди:

✓ 2018 йилдан 2022 йилгача Давлат Реестрида рўйхатга олинган препаратлар улуши 26,7% ошган;

✓ бунда маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган дори воситалар атиги 43,3% ташкил қилди. МДХ ва хорижий давлатлардан эса асосий улуш Германия, Ҳиндистон ва Украинага тўғри келди;

✓ барча қайд этилган дори воситалар ичида энг кўп тарқалган дори шакли – бу ичишга мўлжалланган препаратлар бўлиб, таҳлил қилинган 5 йил ичида ўртача 44,3% ни ташкил қилди. Маҳаллий корхоналар томонидан 2018-2019 йилларда рўйхатдан ўтказилган препаратлар ичида биринчи ўринни доривор ўсимлик хомашёси эгалласа, кейинги 3 йилда ичишга мўлжалланган суюқ дори турлари эгаллаган;

✓ Ўзбекистон корхоналари томонидан қайд этилган дори воситаларнинг ўртача 56,9% фаол модда сифатида ўсимликлардан олинган экстрактларни сақлаган ҳамда хомашё кўринишидаги дори воситалари ташкил қилган бўлса, МДХ ва хорижий давлатларда бу кўрсаткич мос равишда 30,5% ва 33,2% ташкил қилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, муколитик таъсирга эга бўлган ўсимлик хомашёсидан сифати ва турғунлигини таъминлаб берадиган монофаол ва комбинирланган дори шаклидаги препаратларни ишлаб чиқариш мақсадга мувофиқ деб белгиланди.

Адабиётлар

1. Голубков Е.П. Маркетинговые исследования: теория, практика и методология. – М.: Финпресс, 2012.- 133 с.

2. Ганичева Л.М., Ляхов А.И. Контент-анализ российского рынка селективных α₂-адреномиметических лекарственных препаратов, применяемых в терапии ринитов различной этиологии //Pharmacy and pharmacology. -2017.-Vol.5.-№1.-P.35-48. DOI:10.19163/2307-9266-2017-5-1-35-48

3. Царахов О.А., Царахова Л.Н. Маркетинговые исследования локального рынка лекарственных средств, применяемых для профилактики и лечения заболеваний полости рта //Фармация и фармакология. – 2015.-№5 (12). -С. 69-72.

4. Усмонова М.К., Максудова Ф.Х., Каримов О.У. Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган ностероид яллиғланишга қарши воситаларнинг маркетинг таҳлили // Инфекция, иммунитет ва фармакология. -2022.-№4.-237-243 б.

5. Саенко А.Ю., Попова Е.А., Куль И.Я. Маркетинговые исследования ректальных лекарственных средств на современном фармацевтическом рынке //Современные проблемы науки и образования. – 2015. – №5.

6. Чеснокова Н.Н., Кононова С.В., Петрова С.В., Писаненко Д.В. Исследование рынка флеботропных лекарственных препаратов, применяемых при лечении варикозной болезни вен нижних конечностей (без язв и воспалений) // Ремедиум. -2015.-№5.-С. 36-42.

7. Государственный Реестр лекарственных средств, изделий медицинского назначения и медицинской техники, разрешенных к применению в медицинской практике. - 22 изд.- Т.: ООО «Komron press», 2018. - 776 с.

8. Государственный Реестр лекарственных средств, изделий медицинского назначения и медицинской техники, разрешенных к применению в медицинской практике. - 23 изд.- Т.: ООО «Komron press», 2019. - 937 с.

9. Государственный Реестр лекарственных средств, изделий медицинского назначения и медицинской техники.- 24 изд. (электронный ресурс: www.uzpharm-control.uz/ru/pages/state-register-of-medicines-and-medical-products).

10. Государственный Реестр лекарственных средств, изделий медицинского назначения и медицинской техники.- 25 изд. (электронный ресурс: www.uzpharm-control.uz/ru/pages/state-register-of-medicines-and-medical-products).

11. Государственный Реестр лекарственных средств, изделий медицинского назначения и медицинской техники.- 26 изд. (электронный ресурс: www.uzpharm-control.uz/ru/pages/state-register-of-medicines-and-medical-products).

12. Оковитый С.В., Марьюшкина В.С., Суханов Д.С., Селизарова Н.О. Фармакологические подходы к рациональному выбору комбинированных мукоактивных препаратов //Лечащий врач.- 2020.-№12 (23).-С.41-45.

13. Задюченко В.С., Ялымов А.А., Шехян Г.Г., Щикота А.М., Иванова Н.А., Терпигоров С.А., Кабанова Т.Г., Никищенков А.М. Рациональная антигипертензивная терапия: в фокусе комбинированные препараты // *Consilium Medicum*.-2017.-№19 (12).-С.47-53.

14. Прожерина Ю. Ключевые тренды рынка комбинированных противопростудных препаратов // Ремедиум. - 2017.-№11.-С. 30-31.

Д.С. Мирзакамалова, Е.В. Флисюк, Ё.С. Кариева

Анализ отечественного рынка лекарственных средств муколитического действия

В данной статье приведены результаты маркетингового анализа муколитических лекарственных средств в Государственном реестре лекарственных средств и изделий медицинского назначения, зарегистрированных в Республике Узбекистан за 2018-2022 гг. Анализ проведен по следующим критериям: доля муколитических препаратов среди общего числа зарегистрированных лекарственных средств, доля по странам-производителям, по лекарственной форме и природе активного вещества. Согласно полученным данным, с 2018 по 2022 гг. наблюдался прирост муколитических препаратов на 26,7%, что свидетельствует о повышении спроса на лекарственные средства данной группы. При этом отечественными производителями было произведено всего 43,3%. Основная доля импорта муколитических лекарственных средств среди зарубежных стран приходится на Германию, Индию и Украину. На первом месте среди препаратов, зарегистрированных отечественными производителями в 2018-2019 гг, находилось лекарственное растительное сырье, однако в последующие 3 года – основную часть составили жидкие лекарственные формы для перорального применения. Необходимо отметить, что 56,9% (усредненное значение) лекарственных средств, зарегистрированных отечественными производителями, представлены в виде лекарственного сырья или препаратов на основе растительных экстрактов. Таким образом, разработка лекарственных форм препаратов муколитического действия на основе растительного сырья является актуальной задачей отечественной фармацевтики.

Ключевые слова: маркетинговые исследования, муколитические лекарственные средства, Государственный реестр, лекарственная форма, природа активного вещества.

D.S. Mirzakamalova, E.V. Flisyuk, E.S. Karieva
Analysis of the domestic market of mucolytic drugs

This article presents the results of a marketing analysis of mucolytic drugs in the State Register of medicines and medical devices registered in the Republic of Uzbekistan for 2018-2022. The analysis was carried out according to the following criteria: the share of mucolytic drugs among the total number of registered drugs, the share by manufacturing countries, by dosage form and the nature of the active substance. According to the data obtained, from 2018 to 2022, there was an increase in mucolytic drugs by 26.7%, which indicates an increase in demand for drugs in this group. At the same time, only 43.3% were produced by domestic manufacturers. The main share of imports of mucolytic drugs among foreign countries falls on

Germany, India and Ukraine. Among the drugs registered by domestic manufacturers in 2018-2019, medicinal plant materials occupied the first place, however, in the next 3 years, liquid dosage forms for oral administration accounted for the bulk. It should be noted that 56.9% (average value) of drugs registered by domestic manufacturers are presented as medicinal raw materials or preparations based on plant extracts. Thus, the development of dosage forms of mucolytic preparations based on plant materials that ensure the quality and stability of monoactive and combined ones is an urgent task for domestic pharmaceuticals.

Key words: marketing research, mucolytic drugs, State Register, dosage form, nature of the active substance.

УДК: 615.453.6

Н.Б. Илхамова, Х.М. Юнусова, М.А. Ташматова

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАРМАЦЕВТИКА БОЗОРИДАГИ ДИАБЕТГА ҚАРШИ ПРЕПАРАТЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ

АНАЛИЗ ПРОТИВОДИАБЕТИЧЕСКИХ ПРЕПАРАТОВ НА ФАРМАЦЕВТИЧЕСКОМ РЫНКЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Тошкент фармацевтика институти

Маҳаллий фармацевтика бозорида қандли диабетга қарши препаратлар таҳлили олиб борилди. Таҳлил давомида қандли диабетга қарши препаратларнинг ассортимент кўрсаткичлари аниқланди, шунингдек уларни ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳақидаги маълумотлар ўрганилди. Тадқиқотларда Давлат реестрининг 2019-2021 йй. маълумотларидан фойдаланилди. Тадқиқот объекти қилиб 2-тур қандли диабет касаллигида қўлланиладиган дори препаратлари олинди.

Таянч ноборалар: қандли диабет, диабетга қарши препаратлар, давлат реестри, таҳлил.

Кириш. Қандли диабет – инсон организмда сурункали кечувчи, модда алмашинув жараёнининг деярли барча турлари, биринчи навбатда қанд алмашинувининг издан чиқиши билан тавсифланувчи ҳамда инсон ҳаёти учун катта хавф тугдирувчи, унинг сифатини пасайтиришига олиб келувчи хасталиқдир. Инсулиннинг кам ишлаб чиқишида турлича - ташқи ва ички сабаблар мавжуд бўлиши мумкин. Қандли диабетнинг икки тури мавжуд. Биринчи тур кам учрайди ва организмда инсулин ишлаб чиқарилмаслиги билан кечади. Иккинчи тур эса кўпроқ ёши катталар орасида кузатилади ҳамда организмда ишлаб чиқарилаётган инсулинга нисбатан сезувчанликнинг йўқолиши билан боғлиқ. Бу тур семизлик, ошқозон ости беши касалликлари, алкоголь истеъмоли кабилар негизида ривожланади. Қондаги инсулин миқдорини аниқлаш усуллари ишлаб чиқилгандан сўнг, шу нарса маълум бўлдики, қандли диабет билан оғриган бир қатор беморларда қондаги инсулин миқдори камайиши эмас, балки ошиши кузатилган [1, 2, 3].

Бугунги кунда қандли диабет касаллигининг бутун дунёда кенг тарқалиб ўртача 1,5–9,1% ни ташкил этди. Бу касаллик кўрсаткичи болаларда тахминан 0,1 – 0,3% га етди. Баъзи давлатларда

6-7% ни ҳам ташкил этади. 2020 йил ҳолатига кўра, бу касаллик билан оғриган кишиларнинг сони бутун дунёда 123 млн.га етди. Бугунги кунда дунёда қандли диабет касаллигининг иккинчи типи билан касалланган беморлар сони ўсиб бормоқда [4, 8, 9].

Республикамызда фармация соҳаси мустақиллигига эришиш даврида аҳолининг турмуш даражасини янада яхшилаш, касалликларни олдини олишни кучайтириш ишлари кабиларда, шунингдек, айниқса қандли диабет касаллигини олдини олиш ва даволаш ва касалликни олдини олиш муҳим ва катта ишлар амалга оширилмоқда [6, 7].

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қандли диабетга қарши препаратлари ишлаб чиқишни маҳаллийлаштириш, биосамарадор дори препаратлари яратиш ва борларини биофармацевтик нуқтаи назардан яхшилаш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан биридир.

Тадқиқот мақсади. Ўзбекистон фармацевтика бозорида диабетга қарши препаратларини 2019-2021 йй. мобайнида ишлаб чиқарувчилар улушини ва ассортиментини қиёсий таҳлил қилиш.

Тадқиқот усуллари. Қандли диабетнинг 2 турини даволашда ишлатиладиган препаратлар